

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

САМАТОВ ХУРШИД УЛМАСЖОНОВИЧ

**МАҲДУМИ АЪЗАМ КОСОНИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ
ВА УНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Саматов Хуршид Улмасжонович

Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни 5

Саматов Хуршид Улмасжонович

Духовное наследие Махдума Азама Касани и его роль в воспитании молодежи 16

Samatov Khurshid Ulmasjonovich

The spiritual heritage of Makhdumi Azam Kasani and its role in the upbringing of the youth 30

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ 33

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

САМАТОВ ХУРШИД УЛМАСЖОНОВИЧ

**МАҲДУМИ АЪЗАМ КОСОНИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ
ВА УНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fal73 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Сайимназар
фалсафа фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Наврўзова Гулчехра Нетьматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Қодиров Муҳаммаджон
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.F.02.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40 e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунида тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.О. Тураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалс.ф.д., профессор

А.Р. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалс.ф.н., доц.

Ш.С. Қушоқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалс.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришда Шарқ халқлари фалсафий мероси алоҳида аҳамиятга эга. Шарқ мутафаккирлари, хусусан Махдуми Аъзам Косонийнинг илмий-маърифий мероси фуқароларни айниқса, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтиришда муҳим тарбиявий ўринга эгадир. Бугунги кунда жаҳонда ёшларни «маънавий қашшоқлик» ва «ахлоқий тубанлик» каби иллатлардан ҳимоя этишда ҳам бу умумбашарий маънавий мероснинг ўрни беқиёсдир. Шарқ алломаларининг инсон шаъни ва ориятини ҳимоя қилувчи инсонпарварлик, хурфикрлилик ва бағрикенглик ғоялари ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни маърифатга етаклашда асосий назарий манбадир.

Махдуми Аъзамнинг тинчликпарвар фаолияти, илмий-маънавий, ахлоқий концепциялари, гуманистик ижтимоий ғоялари дунёда демократик кадриятларни ривожлантиришда, тинчлик ва осойишталикни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эгалигини эътиборга олган ҳолда, бу борада турли илмий марказлар томонидан мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. «Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз».¹ Бу борада Махдуми Аъзамнинг нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида эътироф этилган ёшлар тарбиясига оид бағрикенглик, оилани мустаҳкамлаш, маънавий огоҳлик, гуманизм ва маърифий ислом кадриятларига риоя этиш, комил инсонни тарбиялаш каби ғояларининг мазмунини илмий асосда очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқотда ёш авлодни халқимиз маънавий меросига ҳурмат, она юртимиз кадриятларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган Махдуми Аъзам илмий меросининг концептуал моҳияти тизимли таҳлил қилинган.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ЎРҚ-406-сон (2016) Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2995-сон (2017) Қарори ва «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/>

кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон (2017) Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантириш Қўмитаси олдига қўйилган устувор вазифалар, хусусан «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» йўналиши дастури доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек халқи тарихий-маданий ва маънавий меросига оид концептуал масалалар, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ўзбек халқини маънавий тикланиши, тарихий хотира ва ёшларни буюк аجدодларимизга муносиб ворис қилиб тарбиялаш ҳақидаги фундаментал фикрлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асарларидаги ёшлар тарбиясини юксалтиришга оид ғоялари мазкур тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Махдуми Аъзам Косонийнинг ҳаёти, илмий мероси ва диний-фалсафий қарашлари Ўзбекистонда Б.Валихўжаев, И.Ғозий, Ж.Авлиёхон, Б.Тураев, С.Каримов, Г.Наврўзова, А.Жузжоний, А.Зоҳидий, М.Қодиров, Б.Бобожонов, К.Каттаев, Н.Жабборов, Э.Зоиров ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотларда мутафаккирнинг маънавий мероси, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари ёритилган бўлса, чет эллик олимлар А.Ҳамид, Т.Эсенбеки, Д.Девин, А.Кньш, В.Гарднер, А.Папас ва бошқалар XVI асрда Мовароуннаҳрда нақшбандия тариқатини ривожлантиришдаги ўрнини эътироф этишган. МДХ давлатларида О.Ф.Акимушкин, А.А.Семёнов ва бошқалар мутафаккирни тариқатдаги фаолиятини ўрганишган. Бирок, тадқиқотларда Махдуми Аъзам Косоний маънавий ва илмий меросининг тарбиявий аҳамияти, оила, никоҳга оид диний ва ижтимоий-фалсафий қарашлари ўрганилмаган. Биз тадқиқотимизда мутафаккирнинг оилани мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол қилиб тарбиялашга оид ижтимоий-сиёсий ва тасаввуфий ғояларини тадқиқ этишга эътибор қаратдик.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида баркамол ривожланган шахсни шакллантириш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Махдуми Аъзам илмий меросининг ёшлар тарбиясидаги маънавий-маърифий ва ижтимоий-ахлоқий ўрнини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Махдуми Аъзам ҳаёти, ижоди ва дунёқарашига таъсир қилган тарихий-маданий ва ижтимоий омилларни ўрганиш;

Махдуми Аъзамнинг “Ганжнома”, “Миръот ус – сафо”, “Рисолаи вужудия” асарларини таҳлил қилиш асосида онтологик ва гносеологик ғояларини очиб бериш ва шу орқали мутафаккир меросини фалсафий аҳамиятини кўрсатиш;

“Асрор ун-никоҳ” асаридаги оилани мустаҳкамлашга оид мутафаккирнинг ижтимоий-ахлоқий ғояларини ёритиш;

Махдуми Аъзам маънавий-ахлоқий қарашларининг ёшларда ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятини очиб бериш;

мутафаккирнинг комил инсон тарбияси ҳақидаги ғояларини ҳозирги кунда баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Махдуми Аъзамнинг илмий-маънавий ва фалсафий мероси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Махдуми Аъзам илмий меросининг баркамол инсонни тарбиялашдаги маънавий моҳиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ретроспектив ва тизимли таҳлил, герменевтик ёндашув, ворисийлик, анализ ва синтез, қиёсий ўрганиш, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги, кузатув каби илмий методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Махдуми Аъзамнинг Мовароуннаҳрда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган тасаввуфга оид ижтимоий-сиёсий ташаббускорлик фаолияти очиб берилган;

Махдуми Аъзамнинг жамиятда рўй берувчи ижтимоий зиддиятларни бартараф қилишга қаратилган ижтимоий ҳамжихатлик, бағрикенглик (толерантлик), муросавийлик сингари маънавий-маърифий ва ахлоқий тамойилларининг ёшлар тарбиясидаги конструктив ўрни кўрсатилган;

Махдуми Аъзам ислом фалсафасидаги “вахдат ул-вужуд”, “вахдат ул-мавжуд”, “вахдат ул-шухуд” каби концепцияларнинг ўзаро уйғунлигини исботлаб берганлиги фалсафий асосланган;

мутафаккирнинг “Асрор ун-никоҳ” асаридаги оила барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ижтимоий-ахлоқий ғояларини оила институтига жорий этишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мутафаккир асарларида илгари сурилган жавонмардлик, маънавий баркамолликка эришиш, “ўз-ўзини таҳлил қилиш” ва “ўз-ўзини тарбиялаш” каби конфликтологик методларини ижтимоий институтлар фаолиятига жорий этиш мумкинлиги асослаб берилган;

Махдуми Аъзам маънавий меросидан ижтимоий фанлар, хусусан фалсафа, диншунослик, маънавият асослари каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланилган;

Махдуми Аъзамнинг илмий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий ғояларини тарғиб этиш бўйича 2016-2017 йилларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати (ҳозир Ўзбекистон ёшлар иттифоқи)нинг Самарқанд вилоят кенгаши билан биргаликда “Аждодларимиз мероси – ёшларга” деб аталган кўчма оммавий-маърифий тадбирлар ташкил этилган;

мутафаккирнинг инсонпарварлик ғояларига асосланиб, замонавий оилалар ва оилавий муносабатлар маданиятини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий ва ахлоқий тавсиялар ФХДЁ органларининг тарғибот фаолиятига услубий қўлланма сифатида жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация илмий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий ғоялар, назарий умумлашмалар тарихий-фалсафий ва маънавий билимларни чуқурлаштириш учун **илмий** аҳамиятга эга. Ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва ғоялардан фалсафа тарихи, этика, педагогика, диншунослик ва маданиятшунослик каби фанлардан дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни тайёрлашда **амалий** аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Махдуми Аъзам маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрнини кўрсатишга оид тадқиқот асосида:

Махдуми Аъзамнинг ёшлар таълим-тарбиясига оид бунёдкор ғоялари асосида ишлаб чиқилган таклифлардан глобал таҳликали замонда зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш, ёшлар орасида миллий ғоя, маънавий тараққиёт ва аждодларимизнинг маънавий меросини тадқиқ қилиш бўйича тарғибот тадбирларида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2017 йил 27 ноябрдаги 02/03-1156-сон маълумотномаси). Бу таклифлар тарғибот тадбирларни назарий ва амалий жиҳатдан бойитишга хизмат қилган;

Махдуми Аъзам илмий меросининг ўзига хос жиҳатлари асосида ишлаб чиқилган илмий натижалар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотларида аждодлар маънавий меросини тарғиб қилиш бўйича ўтказилган ғоявий-тарбиявий тарғибот тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2017 йил 20 октябрдаги 04-13/1469-сон маълумотномаси). Бу натижалар ёшларни аждодлар маънавий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга ижобий таъсир қилган;

“Махдуми Аъзам зиёратгоҳи”да зиёрат туризмни ривожлантириш, саёҳатларни маънавий-тарбиявий жиҳатини такомиллаштиришга оид ишлаб чиқилган таклифлардан “DINARA TOUR SERVICE”, “CRAUN TOUR”, “SamISI SAYYOH PLUS” туристик фирмаларининг гид-экскурсоводлар учун экскурсия материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 1 ноябрдаги 03-09/3789-сон маълумотномаси). Бу таклифлар “Махдуми Аъзам зиёратгоҳи”да туризм салоҳиятини оширишга, маҳаллий ва хорижий

сайёҳларни кенг жалб қилишда, саёҳатларнинг маънавий, тарбиявий жиҳатдан янада бойишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси диссертация мавзуси бўйича асосий 2 та халқаро, 3 та минтақавий ва 6 та республика илмий-назарий конференция ва семинарларда баён этилган, муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, 7 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Махдуми Аъзам – нақшбандия тариқатининг назариётчиси ва давомчиси”** деб аталган биринчи бобида Махдуми Аъзамнинг шаклланишига, унинг илмий мероси ва дунёқарашига таъсир этган ижтимоий ва тарихий-маданий омиллар тадқиқ этилган.

Саййид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний – Махдуми Аъзам 1461 йилда Фарғона водийсининг Косон шаҳрида туғилган ва 1542 йилда Самарқанднинг Даҳбед мавзеида вафот этган. Шунингдек, ўрта аср манбалари, қабртошлари ва тарихий обидаларининг пештоқига ёзилган маълумотлар асосида мутафаккирнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га йигирма иккинчи авлод бўлганлиги аниқланган.¹ Махдуми Аъзамнинг фавқулодда истеъдоди, тасаввуф ва фикҳ соҳасидаги билими ва эл орасида орттирган шуҳрати туфайли XVI асрнинг бошларида шайбоний ҳукмдорларидан бири Самарқанд ҳокими Жонибек Султон диний масалаларда маслаҳатчи сифатида шайбонийлар пойтахтига таклиф қилади.²

¹ Муҳаммад Содиқ Қошғарий. Тазкираи азизон. Каттахонхўжа Даҳбедий шахсий кутубхонасидан; Насириддин Хусайн Бухорий. Тухфат ул – зобирин. Бухоро музейи. – Б. 61 – 66. Абдулҳаким Самарқандий. Қандия // тарж.Каттаев К.Самарқанд.: Сўғдиёна 1994. –Б 85. Муҳаммад Қози. Силсилат ул – орифийн. Қўлёзма. Тош ШИ Шарк қўлёзмалари маркази. № 11413.

² Валихўжаев Б. Махдуми Аъзам Даҳбедий // *Валихўжаев Б., Зоҳидий А. Махдуми Аъзам (мақолалар тўплами)*. Т.:Наврўз, 1993.

Манбаларда кўрсатилишича, Махдуми Аъзам устозлик фаолияти ҳам кенг кўламли бўлиб, олтмишта авлиёни етиштирган муршид - “пири шасти” деган фахрли унвон олган.¹ Диссертацияда Махдуми Аъзам ҳақида қимматли хабарларни қолдирган бухоролик шоир Қосим ибн Муҳаммад (XVI аср), Дўст Муҳаммад Наврўз Аҳмад ал-Кеший Фолизкор (XVI асрнинг биринчи чораги), Абул Бақо (XVI асрнинг охири – XVII аср боши), Муҳаммад Муфти Оҳангароний, Муҳаммад Мусо ад-Даҳбедий, Муҳаммад Раҳим Мулло Абдулҳаким Самарқандийнинг асарлари келтирилган ва таҳлил қилинган. Ж.Авлиёхон, Б.Тураев, К.Каттаев, Н.Жабборов ва Э.Зоиров келтирган манбалар ва чиқарган хулосалардан келиб чиқиб, мутафаккир генеалогияси тузилган.

Диссертацияда Махдуми Аъзам бир томондан, темурийлар салтанати парчаланиб, тахт ворислари ўртасида тахт учун қаттиқ кураш кетаётган, иккинчи томондан, ҳудудлар, шаҳарлар, аҳоли яшаётган жойларнинг бўлиниши натижасида кишилар, аҳоли қийналаётган оғир даврда яшагани таъкидланади. Тахт ворисларининг сиёсий қизиқишлари ва манфаатларининг тўқнашувида соҳибқирон Амир Темур амал қилган адолатга риоя қилиш тартиби бузилган, бу эса кишилар ҳаёти ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга салбий таъсир кўрсатган. Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга кириб келишига, улкан ҳудудда ўз ҳокимиятини ўрнатишга интилиши маҳаллий аҳолида норозилик уйғотган. Махдуми Аъзам темурийлар салтанатининг аҳамиятини, унинг яратувчанлик ролини яхши англаган. Бироқ, темурийлар салтанатидаги ўзаро келишмовчиликлар, темурийзодаларнинг очикдан очик тахтни эгаллаш учун олиб борган курашларига қарши бўлган. Тахт ворислари ўртасидаги қарама-қаршилиқни бостиришга интилган, уларни Аллоҳ номи ва соҳибқирон Амир Темур васиятларига мувофиқ кучларини бирлаштириб яшашга чақирган. Махдуми Аъзам тахт учун уруғ-аймоқлар ўртасидаги курашга, оддий кишиларнинг мамлакат тақдири, келажак учун безовталигига гувоҳ бўлган. Бу тарихий ва маданий омиллар Махдуми Аъзамнинг илмий, фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий меросига таъсир қилган.

Махдуми Аъзам ўзидан кейин ўттиздан зиёд илмий-фалсафий, диний ва дидактик асарлар қолдирган. Уларнинг аксарияти асосан Тошкент давлат Шарқшунослик институти Шарқ кўлёмалари марказида сақланади. Диссертацияда ушбу асарлар тавсифи берилган, уларнинг қисқача мазмуни баён қилинган. Улар ичида бевосита ёшлар тарбиясига, оилани асраш, маънавий баркамол инсон муаммоларига бағишланганлари ҳам бор. Улар «Асрор ун-никоҳ», «Рисолаи самоъия», «Рисолаи вужудия», «Рисолаи одоб ул - солиқин», «Рисолаи одоб ус-сиддиқин», «Ганжнома», «Рисолаи буқоия», «Насихат ул-солиқин», «Шарҳи савод ул-важҳ», «Ганбият ус-салотин», «Шарҳ ул-валаду сарри абиҳи», «Нафаҳот ус-солиқин», «Рисолаи зикр», «Рисолаи баёни силсила», «Рисолаи чаҳор калима», «Рисолаи силсилат ус-сиддиқин», «Рисолаи зубдат ус-солиқин ва танбеҳ ус-салотин», «Рисолаи Гули Наврўзи», «Ғазалиёти Қосимий», «Рисолаи муршид ус-солиқин»,

¹ Абдурахим Ҳисорий. Тухфат ул-ансоб. Қўлёмза. Тош ШИ Шарқ кўлёмалари маркази, № 9652. – В. 199а.

«Рисолаи воқеаи ҳаққония», «Рисолаи Бобурия», «Рисолаи шайбия», «Рисолаи илмия», «Рисолаи аҳволи ул уламо ва умаро», «Рисолаи дар маноқиби Хожа Абдухолиқи Ғиждувоний» дир. Ушбу китобларни ўрганиш Махдуми Аъзамнинг асосий илмий ва ижтимоий-ахлоқий ғояларини куйидагиларга: 1) тинчликни сақлаш ва келишиш; 2) бағрикенглик; 3) этнопсихологик бағрикенглик; 4) ирқий бағрикенглик; 5) гендер бағрикенглик; 6) диний бағрикенглик; 7) ижтимоий-сиёсий бағрикенглик; 8) умуминсоний бағрикенглик каби принципларга классификация қилиш имконини берган. Диссертацияда ушбу принципларнинг тарихий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий аҳамияти очиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Махдуми Аъзам Косоний диний тасаввуфий меросининг фалсафий асослари”** деб аталган. Унда мутафаккирнинг фалсафий қарашлари Ибн ал-Арабийнинг “вахдат ул-вужуд” концепцияси таъсири остида шакллангани асосланган. А.Д. Кныш ёзади: “Ибн ал-Арабий мусулмон файласуфларининг дедуктив методи билан таниш эди, бироқ у ҳар доим, охир натижада фалсафа илми мудом ўзгарувчанлиги, шунинг учун Худо билан одам, одам билан Борлик, Худо билан Борлик ўзаро муносабатларни тушуниш тутқич бермаслигини, адекват акс эттирмаслигини таъкидлаган”.¹ Шу билан бирга, Ибн ал-Арабий дедуктив метод турғунлигини енгиб ўтишга интилди, шунинг учун у гоҳо фақат ўзига аён “низолли антиномиялар” ва хайратли ёндашувлардан фойдаланди. Ибн ал-Арабийнинг бундай ёндашуви Махдуми Аъзам таълимотида кузатилмайди. Унинг эътиқодига кўра, “борлиқнинг ҳақиқий моҳияти ўзини бутун таркибий қисмлари билан кўзгудагидек англовчи Аллоҳ ҳисобланади”.²

Диссертацияда Махдуми Аъзамнинг дунё яратилишида илк сабаб, яъни Аллоҳнинг мавжудлигини эътироф этгани кўрсатилган. Шу тарзда у борлиқнинг Аллоҳ томонидан яратилганлигини тан олган.³ У борлиқни Аллоҳ томонидан яратилганлигини тан олиш билан чекланиб қолмади, шу билан бирга у комил инсонни, унинг дунё, жамият билан алоқаларини синчиклаб қараган. Худо – трансцендент, унга етиш мумкин эмас, у кишининг кундалик ҳаётига аралашмайди, одам билан Аллоҳ ўртасида аниқ чегараланиш бор. Тасаввуфда бу концепция “вахдат уш-шухуд” дейилади. “Комиллик – инсоннинг ўз иши, у ташқаридан мажбуран берилмайди, одамнинг ўзи, қалбидаги илоҳий даъват ёрдамида маънавий, ахлоқий комиллик”ка эришиши мумкин. Инсон, Махдуми Аъзам фикрича, нафақат вужудий ва ақлий билиш, шу билан бирга, унинг маънавий интеллектуал ҳаётида устувор ўрин эгаллайдиган илоҳий билиш қобилиятларга ҳам эга. Бироқ, мутафаккир бу таъкид билан чегараланганда “илоҳий қобилиятлар”нинг имманент белгиларини очиб бермайди. Бизнинг фикримизча, “илоҳий қобилиятлар” деганда “фазилат ул-баркамол”, яъни етуқ маънавий, ахлоқий сифатлар тушунилган.

¹Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – Санкт-Петербург, «Диля», 2004. – С. 190

²Ўша жойда. – Б. 191

³Хожаги Аҳмад Косоний. Ганжнома. Қўлёзма. ТошШИ Шарк қўлёзмалар маркази. № 501 / VI.–В.1-2.

Махдуми Аъзам борлиқ, дунёни “боқий”, “хақиқий” (“азалий”, “чин”) ва “фоний”, “аразий” (“ўткинчи”, “иккинчи даражали”)га ажратган. Биринчисига Аллоҳни, иккинчисига Аллоҳ томонидан яратилганларни киритган. Аллоҳ – илк сабаб. Гоҳо Махдуми Аъзам “Ҳақ ва халқ”, яъни “Худо” ва “халқ” тушунчаларини айнан субстанциялар сифатида тушунади. Э.Зоиров фикрича, Худо билан яратилганлар ўртасида айнанлик бор, аммо бу айнанлик мутлақ эмас.¹ Мазкур талқиндан келиб чиқиб, Махдуми Аъзам “бақо” ва “фано” тушунчаларининг фалсафий моҳиятини очиб беради. Унинг таъкидлашича, “бақо”– мавжудлик, аммо киши ушбу мавжудликдан “фано” орқали тасаввуф поғоналари “шариат”, “тариқат” ва “маърифат” орқали илоҳий борлиққа “хақиқат”га етиши мумкин. Бу ўринда Махдуми Аъзам Мансур Ҳалложнинг фалсафий концепциясига таянган. У ёзади:

Қурби Ҳақ не аз пастй растан аст,

Қурби Ҳақ аз ҳастй орастан аст.²

Мазмуни: одам гуноҳга мойил, аммо у товба тасаввуфий анъаналарга мувофиқ “шариат”, “тариқат”, “маърифат” орқали покланиши, “фано”га Худо билан кўшилиши мумкин.

Махдуми Аъзамнинг фалсафий меросида “вужуд ал-инсон”– инсоний борлиқ, инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари, қизиқишлари ва жамият билан алоқалари марказий ўринда туради. Унинг учун инсон онгли, фаол ва англовчи мавжудот, у Аллоҳ иродасининг шунчаки “мурвати” эмас, балки ақл эгасидир. Инсоннинг қалби, руҳи Худога талпинади, аммо улар дунёвий ишларни ҳал этишга қодир. Улар шарофати билан одам ўзини ижтимоий бурчини адо этади, оила куради, кишиларга фойдали ишлар билан шуғулланади, фарзандларини, ёшларни тарбиялайди. Шунинг учун у ёзади:

Дил Арши азим аст, худоро ба иттифоқ,

Он жост жойи салтанат, он жост жойи роз.³

Диссертацияда Махдуми Аъзамнинг онтологик ва гносеологик ғоялари очиб берилган. У Худонинг илк сабабият эканини тан олиб, шу билан бирга инсон борлиғи мавжудлигини ер, сув, ҳаво ва олов ташкил этишини қайд қилган. Аммо, инсонда “руҳ”, “қалб” бор, ушбу субстанция туфайли у Худо билан боғланган. Худо ушбу қалбнинг марказида жойлашган. Дуо ва ибодатлар кишининг истак ва иродаларидан ўткинчи нарсалардан холи бўлганида ҳақиқийдир.⁴ Мутафаккирнинг онтологик ғоялари “вахдат ул-вужуд”, “вахдат ул-мавжуд”, “вахдат ул-шухуд” тасаввуфий концепцияларнинг квинтэссенцияси ҳисобланади. Мазкур концепцияларни келиштириш, уюштириш Махдуми Аъзамнинг ўзига хос илмий-фалсафий ёндашуви, унинг диний фалсафа ривожига кўшган муҳим ҳиссаси ҳисобланади. У инсоннинг билиш қобилиятига чуқур ишонган, аммо

¹Зоиров Э. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. Т. “Turon zamin ziyo”.2015.Б.17

²Махдуми Аъзам. Рисолаи вужудия. (Таржимонлар Г.Наврўзова, Э.Зоиров).– Бухоро, 2007. Б.48.

³Хожаги Аҳмад Косоний. Миръот ус – сафо. Қўлёзма. ТошШИ Шарқ қўлёзмалар маркази. № 501 / XX. В. 5а

⁴Хожаги Аҳмад Косоний. Миръот ус – сафо. Қўлёзма. ТошШИ Шарқ қўлёзмалар маркази. № 501 / XX. В. 3

“ташқи” (“зоҳирий”) ва “ички” (“ботиний”) билиш кристал каби соф “қалб”ни талаб этади.¹

Диссертациянинг “Махдуми Аъзам Косоний меросида ёшлар таълим-тарбиясига оид бунёдкор ғоялар” деб номланган учинчи бобида мутасаввуфнинг оила, жамиятда тинчликни сақлаш, огоҳлик ва инсоннинг маънавий баркамоллиги, ёшлар тарбияси ҳақидаги ижтимоий-фалсафий ғоялари очиб берилган.

Махдуми Аъзамнинг фикрича, Аллоҳ кишиларни биргаликда яшаши, оила қуриши, фарзандлар тарбиялаши, инсон наслини давом эттириши, ҳаётни севиши ва асраши учун яратган. Оила – илоҳий, айнан унда киши илоҳийсифат мавжудот сифатида шаклланади, Худони ва дунёни англайди. Илоҳий эъзозлаш ва диний маросимлар, одатларни, жавонмардлик ва меҳнатга ўрганади. Ким фақат ўзининг ҳайвоний эҳтиёжларини қондириш учунгина оила қурса, у ўзини абадий азоб-уқубатларга, қийноқларга солади.² У тасдиқлайди:

Кунад ҳамжинс бо ҳамжинс парвоз,
Кабўтар бо кабўтар боз бо боз.³

Мазмуни: Кабутар кабутар ила, бургут бургут ила парвоз қилганларидек, ҳар жонзод ўз ҳамжинсига талпинади.

Аёл (эркак), эркак (аёл) учун яратилган, бу Аллоҳ тартибларидандир. Шунинг учун ким оилада яшаса, оила қурса у Аллоҳ тартибларига риоя этган бўлади. Оила мустаҳкам бўлса, оила аъзолари нафақат биргаликда яшашдан, шунингдек, ижтимоий муҳит, мавжуд ижтимоий муносабатлар ва давлат фаолиятдан ҳам маънавий қониқиш олади. Давлатимиз сиёсатининг моҳияти, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлаганида, замонавий ёш оиланинг ўқиши, ҳаётий тажриба орттириши, мамлакатни модернизациялашда фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиб берганидандир.⁴

Махдуми Аъзамнинг фикрича, оила учун фойдали меҳнат, уни мустаҳкамлашнинг, бир-бирини тушуниш ва мусулмон анъаналарини сақлашнинг муҳим воситасидир. Бу нақшбандия тариқатининг “Дил ба ёр-у, даст ба-кор”, яъни “дилинг Аллоҳда бўлсину, қўлинг меҳнатда бўлсин” тамойилига мувофиқдир. Мутафаккирнинг илмий меросида огоҳлик – инсоннинг Худо ва жамият олдида масъуллиги каби масалалар эътиборли ўрин эгаллайди. Нақшбандиянинг “Хуш дар дам” (“ҳар доим хушёр бўлиш”) тамойили мутасаввуф томонидан оилавий муносабатларга, жамиятда бир-бирини тушуниш ва бир-бири билан келишиб яшашга татбиқ этилган.

Инсоннинг маънавий ва ахлоқий баркамоллиги муаммолари тасаввуфда марказий ўринни эгаллайди. Ушбу ғоя туфайли тасаввуф оқимлари,

¹Ҳожаги Аҳмад Косоний. Рисолаи илмия. /Таржимон А.Зоҳидий. – Тошкент.: Адолат, 1996. – Б.10-11

²Ҳожаги Аҳмад Косоний. Асрор ун-никоҳ. Қўлёзма. ТошШИИ Шарқ қўлёзмалар маркази. № 501/1; - В 26

³Махдуми Аъзам. “Зубдат ус-соликин ва Танбият ус- салотин”. Таржимонлар: Б.Валихўжаев ва К.Каттаев. Сўғдиёна–1994.Б. 54.

⁴Мирзиёев Ш. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. Т.1 – Ўзбекистон, 2017.– Б.504-505.

тариқатлар, аҳоли ва уламолар орасида оммалашган. Махдуми Аъзам “вужуд ул-деҳқон” тушунчасини илмий истеъмолга киритади. Комиллик истаган киши ўзида илоҳий сифатларни шакллантирмоғи зарур. Улар: 1) умуминсоний сифатлар; 2) ахлоқий сифатлар; 3) тадбиркорлик сифатлари; 4) интеллектуал сифатлардан иборатдир. Диссертацияда ушбу сифатларнинг мазмуни ва фалсафий моҳияти очиб берилган, ёшларда уларни шакллантиришнинг методлари аниқланган.

ХУЛОСА

“Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мутафаккир Махдуми Аъзам бир томондан, темурийлар салтанати парчаланаётган, тахт меросхўрлари ўртасида тахт учун кураш авж олган даврда, иккинчи томондан, шайбонийлар томонидан Мовароуннахрни бирлаштириш ҳаракатлари, оддий кишиларда Ватан тақдири, ўз ҳаёти ва келажак учун безовталиқ уйғонган мураккаб бир даврда яшаб ижод қилган. Айнан шундай пайтда Махдуми Аъзам халқнинг ғоявий даҳоси, тинчликни сақлаш тарафдори, ахлоқий етуклик йўлларини излаётганлар учун маънавий етакчи шахс сифатида майдонга чиқди.

2. Махдуми Аъзамнинг илмий мероси Шарқ фалсафий, диний-ирфоний ва ижтимоий-ахлоқий фикрларининг квинтэссенцияси ҳисобланади. Шунинг учун унда Конфуций, Лао Цзи, Боязид Бистомий, Жалолиддин Румий, Ибн ал-Арабий, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Вали, Мавлоно Муҳаммад Қози каби мутасаввуфлар ва мутафаккирларнинг маънавий таъсирини кузатиш мумкин. Бу ҳол Махдуми Аъзам илмий меросини ўзига хос мустақил фалсафий, ижтимоий-ахлоқий тизим сифатида қарашга монелиқ қилмайди.

3. Махдуми Аъзам нақшбандия тариқатининг давомчиси, тасаввуф асосий тамойилларининг тарғиботчиси бўлган. Унинг методи ўша пайтда аскетизм тарафдорларининг субъектив ортодоксал, априор ёндашувларидан фарқ қилган. Априор изланишларни мутлақлаштириш ва сайқаллаштириш ўрнига Махдуми Аъзам тинчлик ва бир-бирини тушуниб яшаш, ўзга эътиқоддагиларга нисбатан бағрикенг бўлиш, гуманистик кадриятларни асраш, кишининг билим олишга интилишини қўллаб-қувватлаш каби илмий, рационал ғояларни илгари сурган. Айнан ушбу ғоялари билан у мусулмон фалсафасининг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшган.

4. Махдуми Аъзам илоҳийлик ва инсонийлик, динийлик ва дунёвийлик айнан эмаслигини яхши билган. Шунга қарамай, у уларни қарама-қарши қўйишга, бемурса антогонистлар сифатида қарашга интилмаган. Илоҳий тартиблар инсон ҳаётини яхшилашни, уни маънавий, ахлоқий етук қилишини, ташқи ва ички кўрсатмаларни уйғунлаштиришни назарда тутган. Маънавий ва ахлоқий етуклик – бахтиёр яшаш асоси ҳисобланган.

5. Мутафаккир жамият ривожига эҳтиёжларидан келиб чиқиб, диний-фалсафий ғояларни фувват (альтруизм) билан қўшишга интилган. Аскетизм, объектив эҳтиёжларни менсимаслик ўрнига мутафаккир ижтимоий жавонмардлик тамойилини таклиф этган. Жамиятда яшаш, кишиларга хизмат қилиш, Аллоҳга чуқур эътиқод Махдуми Аъзам илмий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий меросининг бош даъвати бўлган.

6. Мутафаккир ҳокимият эгаларини ўзаро муроасага, бир-бирини қўллаб-қувватлашга, халқ фаровонлигини ошириш, жамиятда тинчликни ва барқарорликни таъминлашга чақирган. Шу туфайли у ижтимоий низоларни, адолатсизлик, зулмни бартараф этган.

7. Махдуми Аъзам ўзининг илмий асарларида тез-тез адолат принципларини тилга олган ва адолатнинг инсонпарварлик тамойилларига янгича ёндашиб, адолатли ҳаётни ўрнатмай Аллоҳни ҳам, инсонни ҳам севиб бўлмайди, деган хулоса беради.

8. У тасаввуфда биринчи бўлиб “азалия” ва “ўткинчи”, “илоҳия” ва “инсония”, “диния” ва “дунёвия” уйғунлигига асосланган борлиқнинг бирлиги ҳақидаги онтологик концепцияни ишлаб чиққан.

9. У “ихвон”, “уйғунлик”, “макон”, “замон” ва “вақт” тушунчаларига таянган ҳолда инсоннинг эҳтиёжлари ва қобилиятларини марказий ўринга қўйган антропологик концепцияни яратган.

10. Мутафаккирнинг антропологик концепциясида асосий эътибор инсоннинг билиш қобилиятларига, билишнинг ташқи (“зоҳирий”) ва ички (“ботиний”) методларига қаратилган.

11. Махдуми Аъзам оила концепциясини ишлаб чиққан, унда оилавий муносабатларни мустаҳкамлашнинг демографик, иқтисодий, диний, ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий асослари ёшларни маънавий тарбиялаш билан узвий боғлиқ ҳолда қаралган. Ёш авлодни айнан диний ва дунёвий-ахлоқий кўрсатмаларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш оилани мустаҳкамлашга ёрдам бериши таъкидланган.

12. Махдуми Аъзам илмий ва маънавий меросида инсон илоҳий мавжудот сифатида улуғланади. Аллоҳ, Муҳаммад Пайғамбар идеал бўлиб, уларга маънавий-руҳий комилликка интилувчи уламолар, файласуф-донишмандлар ҳамда тариқат намояндалари яқин туради.

13. Махдуми Аъзам умуминсоний, ахлоқий, тадбиркорлик ва интеллектуал сифатларни ўз ичига олган комил инсоннинг илмий-назарий моделини ишлаб чиққан бўлиб, мазкур сифатларни замонавий “баркамол авлод”ни тарбиялаш концепциясига, Ўзбекистон ёшларини тарбиялаш тизимига киритиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

САМАТОВ ХУРШИД УЛМАСЖОНОВИЧ

**ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ МАХДУМА АЗАМА КАСАНИ
И ЕГО РОЛЬ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЁЖИ**

09.00.03 – История философии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Fal73.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице samdu.uz и на информационном образовательном портале «ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Каримов Сайимназар доктор философских наук
Официальные оппоненты:	Наврузова Гулчехра Нейматовна доктор философских наук, профессор Кодиров Мухаммаджон кандидат философских наук, доцент
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Ученого совета DSc.27.06.2017.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, университетский проспект, 15. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет исторический факультет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, университетский проспект, 15. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(Реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

Б.О. Тураев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.филол.н., профессор

А.Р. Самадов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, кан.филол.н., доц.

Ш.С. Кушаков
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.филол.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В формировании духовно-нравственного облика народов мира особое значение имеет философское наследие народов востока. Научно-просветительское наследие мыслителей Востока, в частности, Махдуми Азама Касани, занимает важное место в духовно-нравственном совершенствовании граждан, особенно молодежи. На сегодняшний день в защите молодых людей от таких пороков, как «духовная нищета» и «моральное развращение», несравненным является место этого общечеловеческого духовного наследия. Гуманистические, свободолобивые и толерантные идеи мудрецов Востока, защищающие честь и достоинство человека, являются основным теоретическим источником в образовании и воспитании, просвещении подрастающего поколения.

Миротворческая деятельность, научно-духовные, нравственные концепции, гуманистические социальные идеи Махдуми Азама имеют важное значение в развитии современных демократических ценностей, в укреплении мира и спокойствия в мире; принимая во внимание это, в различных исследовательских центрах проводятся целенаправленные исследования в этом плане.

В нашей стране последовательно продолжают реформы по глубокому изучению и пропаганде научного и духовного наследия наших великих мыслителей, воспитанию молодого поколения в духе благородных традиций наших предков. Необходимость повышения эффективности духовных и просветительских реформ требует качественно нового уровня работы в этом направлении. «Бережно храня мудрость прошлых поколений, мы осознанно идем на решительные реформы, привержены формированию нового облика страны».¹

В этой связи важно прояснить суть идей Махдуми Азама о толерантности, воспитании, духовном просвещении, уважении к исламским ценностям, гуманизма и просвещения, воспитании совершенных людей, молодого поколения не только в нашей стране, но и во всем мире. В этом исследовании подвергается системному анализу концептуальная сущность научного наследия Махдуми Азама, направленного на воспитание молодого поколения в духе уважения к духовному наследию нашего народа и преданности ценностям нашей Родины.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, выдвинутых в Законе Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике» № ЗРУ-406 (2016), Указе Президента № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года (2017), Постановлении Президента № ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан на 72-сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций. // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/>

источников» (2017) и № ПП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительской деятельности и поднятии на качественно новый уровень развития сферы» (2017) и в других нормативно-правовых актах.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологии в республике: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Концептуальные проблемы исторического и культурного наследия узбекского народа, фундаментальные мысли Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова о духовном возрождении узбекского народа, исторической памяти и воспитании молодежи как достойных преемников великих предков, также идеи в произведениях Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева по совершенствованию воспитания молодежи служат научно-методологической основой данного исследования.

Жизнь, научное наследие и религиозно-философские взгляды Махдуми Аъзама в Узбекистане исследовали такие ученые, как Б.Валиходжаев, И.Гази, Дж.Авлияхан, Б.Тураев, С.Каримов, Г.Наврүзова, А.Джүзджани, А.Захиди, М.Кадыров, Б.Бабаджанов, К.Каттаев, Н.Джаббаров, Э.Заиров и другие. В этих исследованиях освящено духовное наследие, социально-политические и философские взгляды мыслителя.

Зарубежные исследователи А.Хамид, Т.Эсенбеки, Д.Девин, А.Кньш, В.Гарднер и А.Папас признали его роль в развитие тариката накшбандия в Мавераннахре в XVI веке. Исследователи из стран СНГ О.Ф.Акимүшкин, А.Семенов и другие изучали деятельность мыслителя в тарикате. Однако ими не было исследовано воспитательное значение духовного и научного наследия Махдуми Аъзама Касани, его религиозные и социально-философские воззрения на подготовку молодежи к семейной жизни. В данном исследовании мы обратили особое внимание на общественно-политические и суфийские идеи мыслителя об укреплении семьи, воспитании гармоничной молодежи.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках научных исследований Самаркандского государственного института иностранных языков на тему: «Комплексное исследование проблемы формирования гармонично развитой личности в годы независимости Республики Узбекистан».

Целью исследования является обоснование духовно-просветительского и социально-нравственного значения научного наследия Махдуми Азама в воспитании молодёжи.

Задачами исследования являются:

изучить жизнь, историко-культурные и социальные факторы, оказавшие влияние на творчество и мировоззрение Махдуми Аъзама;

на основе анализа произведений «Ганжнома», «Миръот ус-сафо», «Рисолаи вужудия» Махдуми Аъзама раскрыть его онтологические и гносеологические идеи и через это показать философское значение наследия мыслителя;

осветить социально-нравственные идеи об укреплении семьи в произведении мыслителя «Асрор ун-никах»;

раскрыть значение духовно-нравственных взглядов Махдуми Аъзама в формировании идеологического иммунитета молодёжи;

